

O'zbekiston Respublikasi Oliy va O'rta Maxsus

Ta'lim Vazirligi

Qarshi Muxandislik Iqtisodiyot Instituti

Muxandis –texnika fakulteti

**Gidrotexnika inshootlari va nasos stansiyalaridan
foydalanish kafedrasini**

**Gidrotexnika inshootlari va nasos stansiyalaridan foydalanish yo'nalishi
bo'yicha bakalavr darajasini olish uchun**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

**Mavzu: Qalqama suv ombori ekspluatatsiyasini yaxshilash bo'yicha chora
tadbirlar loyixasi**

Raxbar:

Berdiyev SH.J.

Bajardi:

Ergasheva U.

Himoyaga ruxsat etildi

Himoya uchun DAKga yuborildi

Kafedra mudiri_____

Fakultet dekani,_____

t.fn.,dots.Eshev S.S.

t.f.n.dots. Aliqulov M.H

___ ___2015 yil

___ ___2015 yil

Qarshi 2015 yil

МУНДАРИЖА

I.	КИРИШ	
II.	УМУМИЙ ҚИСМ	
	1. Умумий лойиҳавий маълумотлар ва иншоотларнинг қисқача тавсифи.	-бет
	2. Қалқама сув омбори жойлашган туман иқлими	-бет
	3. Сув омборининг геологик ва гидрогеологик шарт шароитлари	-бет
	4. Сув омборининг параметрлари ва белгилари	-бет
	5. Сув омборининг сув муҳофазаси зонаси	-бет
III.	ТЕХНИК ҚИСМ	
	1. Сув омборининг таркиби ва компоновкаси	-бет
	2. Сув омборини ўрганиш натижасидаги техник ҳолати	-бет
	3. Техник ҳолатини баҳолаш	-бет
	4. Техник ҳолатини баҳолаш ҳамда иншоот ишончилигини ошириш учун тавсиялар	-бет
	5. Сув омборининг смета баҳосини аниқлаш	-бет
	6. Юқори бўёфдаги сув сатҳининг устидаги тўғон ўркачи захирасини ҳисоблаш	-бет
IV.	ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИСМ	
	1. Ташкилий тизим (структура) ва штат таркиби	-бет
	2. Сув омборида эксплуатация даврида назорат қилиш тизими	-бет
	3. Сув омборида техник қаров ишлари	-бет
	4. Сув омборининг эксплуатация хизмати ишини ташкил қилишнинг асосий қоидалари	-бет
	5. Сув омборида техник ҳолати ва бехатар ишлашини назорат қилиш ва маҳсус кузатув ишлари	-бет
	6. Сув омборининг солиштирма техник иқтисодий кўрсаткичлари	-бет
	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	-бет
V.	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	-бет
VI.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	-бет
VII.	ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ	

I. КИРИШ

Ўзбекистоннинг иқлими, географик ва демографик шароитлари, инсоният вужудга келгандан буён сув хўжалигини, гидротехника ва гидроэнергетикани ривожлантиришни тақозо қилган.

Ўзбекистонда, эрамиздан 6 минг йиллар аввал ёмғир сувларини тўплаб (лиманное орошение) суғоришга ишлатиш, мавжуд сув ресурсларини тартибга солиш ва тўғри тақсимлаш учун сунъий ҳовузлар қуриш орқали кичик - кичик ер майдонларини сув билан таъминлаш иншоотлари қурилган. Бир худуддан бошқа худудларга сув ташлаб сув таъминотини яхшилаш тажрибасини эгаллаб олишган.

Ҳозирги пайтда, Ўзбекистонда 4,2 млн.гадан ортиқ суғориладиган ер майдони мавжуд. Амалда барча қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили сунъий суғориб етиштирилади. Бу ерларни суғориш учун 300 га яқин йирик гидротехника иншоотлари, шу жумладан 20 млрд. м³ сув сиғдирадиган 53 сув омбори мавжуд.

Бу иншоотлар стратегик ва ҳаётий аҳамиятга эга, уларнинг баъзи бирларини ишдан чиқиши халқимизнинг кун кечирish манбаи бўлган туманларни бутунлигича, ҳаттоки вилоятларни сувсиз қолдириши мумкин. Бу иншоотларнинг техник ҳолати кўп вақтдан бери ишлатилиши, етарли ҳажмда ва сифатли таъмирлаш ишларини олиб борилмаслиги, юқори малакали ишлатувчи кадрлар етишмаслиги оқибатида ишлатиш (эксплуатация) маданиятини пастлиги, техноген ва табиий таъсирлар натижасида пасаймоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Республикадаги мавжуд гидротехник иншоотларнинг техник ҳолатини ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлаш, уларни тўғри ишлатиш йўлида таъсирчан ва самарали тадбирлар белгиланди. Хусусан «Сув ва сувдан фойдаланиш» (1993й), «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида» (1999й) ги қонунлар қабул қилинган.

Республикадаги мавжуд гидротехника иншоотларини ишончли ишлатиш, уларни ишлатиш шароитларини яхшилаш, уларга ўз вақтида техник қаровни амалга ошириш, уларни ўз вақтида таъмирлаш ва реконструкция қилишга кўп

боғлиқ. Бу гидротехника иншоотларидан фойдаланувчи ташкилотлар зиммасига катта маъсулият юклаб, гидротехника иншоотларини ишлатишни яхшилашни талаб қилади.

Мамлакатимизда гидротехника иншоотларини ишлатиш бўйича маълум бир тажрибалар тўпланган, лекин мазкур тажрибалар мавжуд гидротехника иншоотларини эскирганлигини инобатга олиб

Эксплуатацияси муҳимлиги шундан иборатки, сув омборлардан фойдаланишдаги кўзга кўринарли ютиқларга қарамай, охириги йилларда сув омборлари ишдан чиқиш суръати ошиб бориши, хатто авария ҳолатлари кузатилмоқда шунингдек сув омборининг Эксплуатация даври давомида техник носозликлар алоҳида хавотирга сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда мавжуд Сув омборлар ва бошқа гидротехник иншоотлар хавфсизлиги ва ишончлиги даражаси пасайишидан жиддий ташвишдамиз.

Республикамиздаги Сув омборлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни 80 фоизни, электроэнергия ишлаб чиқаришни 20 фоизни сув билан таъминлайди, умуман олганда иқтисодиёт бошқа соҳаларининг турғунлиги, асосий ўша туманларда яшовчи 50 фоизни аҳолининг хавфсизлиги ушбу Сув омборлар ҳолати билан боғлиқдир.

Йирик тўғонлар ва бошқа гидроиншоотларда 30-40 йиллик фойдаланиш натижасида эскириш жараёнлари, лойқаланиш оқибатида уларнинг техник имконияти ва ишончлиги камаяди. Бундан ташқари тўғонларга сейсмик, кўчки, сел таъсиротлари, ҳаракатдаги музликлар қузғалиши ва бошқа геодинамик таъсиротлар бўлиб туради.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб битирув малака ишимни Қашқадарё вилоятидаги Қалқама сув омборининг эксплуатация давридаги техник ҳолати бўйича олиб бордим.

Ушбу битирув малака ишимда сув омборининг ҳозирги техник ҳолати ва эксплуатация даврида нималарга эътибор бериши ҳамда мавжуд камчиликлар ва таклифлар берилиб ўтилди.

II. УМУМИЙ ҚИСМ

1. Умумий лойиҳавий маълумотлар ва иншоотларнинг қисқача тавсифи.

Сув омбори Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Қалқама қишлоғи яқинида Чироқчи туман марказидан 40 км масафода, Чамбил қишлоғидан 1 км юқорида жойлашган. Маъмурий жихатдан сув омбори Қашқадарё вилоятига қарашли.

Қалқама сув омбори ўзанли типда, мавсумий ростланади, саккизта сойдан бирикган жойдан Қумдарё ўзанида жойлашган. Сув омбори аввал пастда жойлашган аҳоли пунктларини тошқиндан ҳимоялаш мақсадида сел сув омбори сифатида фойдаланилган, аммо ҳозирги вақтда сув омбори вазифасини бажариб Чироқчи туманида 7,5 минг га ерларни суғоришга мўлжалланган. Қалқама сув омбори лойиҳа КМК 2.06.11-04 бўйича район сейсмиклиги -7 баллни ташкил этади.

Иншоотлар лойиҳа ва КМК 2.06.01-97 ва КМК 2.01.03.96 бўйича III синфга киради.

Бош лойиҳачи – Уздавсувлоиҳа институти.

Сел сув омбори қурилиши 1985 йил бошланган, 1 навбат 1987 йил фойдаланишга топширилган, 2 навбат қурилиши бошланмаган.

2.Сув омбори жойлашган туман иклими

Қалқама сув омбори жойлашган ҳудуднинг ёзи иссиқ, қиши илиқ бўлиб, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $+16,8^{\circ}\text{C}$ даража бўлади. Ёз мавсумида ҳавонинг абсолют максимал ҳарорати $+40^{\circ}\text{C}$ даражани, июль ойида ўртача $+28^{\circ}\text{C}$ даражани ва қиш даврининг январь ойида ҳавонинг абсолют минимум ҳарорати -25°C даражани ташкил этади. Қиш мавсуми узоқ давом этмайди. Қиш-баҳор ойларида ёғингарчиликлар кам кузатилади. Ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори 220–295 мм ни ташкил этади. Ёғингарчилик асосан ноябрь-апрель ойларида кузатилади. Энг кўп ёғингарчилик даври март-апрель ойларида тўғри келади. Йиллик ўртача буғланиш 1300 мм ни ташкил этади.

2.Сув омборининг геологик ва гедрологик шарт-шароитлари.

Сув омбори Қоратепа тоғлари Қашқадарё депресияси билан тўқнашган жойда жойлашган, бу ерда полезой жинслари неогон чўкмалари билан

копланган, улар ўз навбатида делювиал ва аллювиал чўкмалар билан копланган. Силур оҳактошлари $40-60^{\circ}$ бурчак остида моноклинал жойлашган неогон чўкмалар деярли горизантал жойлашган. Сув омбори косаси 150 метргача бўлган қалинликдаги қумоқ-шағал, қум-шағалдан иборат, шағал орасида ўрта ва йирик донали қум линзалари бўлиб улар қалинлиги 0,1 дан 2,4м гача ва ундан кўп. Уст қисми деярли ҳамма жойда қалинлиги 0,05 дан 2,3 м гача бўлган ўнг борти 25 м қалинликдаги шағалли қумоқ, қумли-шағаллардан иборат, унинг орасида қалинлиги 0,2-2,5 м бўлган қум қатламлар бор баъзи холларда шағал орасида қалинлиги 1,0-2,5 м бўлган қумоқ қатламлар жойлашган.

Ўнг борт пастки бьефда доимий булоқ бор, тўғон чап қирғоғи томони қалинлиги 10-25 м қумлоқлар билан копланган, қумлоқ орасида қалинлиги 10 м гача қум қатламлари мавжуд.

3.Сув омборининг параметрлари ва белгилари.

Сув омбори отметкалари:

ФПУ- 679,0 м;

НПУ-677,2 м;

УМО-663,0 м .

Сув омбор хажми:

ФПУ- 12,0 млн. м3;

НПУ-9,45 млн. м3;

УМО- 0,1 млн. м3.

Юзадаги майдон

ФПУ- 1600 минг м2;

НПУ-1425 минг м2;

УМО- 100 минг м2.

НПУ даги саёзликлар майдони – 1,0 км2

Сув омбори максимал узунлиги -2,5 км, эни 1,0 км.

4. Сув омборининг сув муҳофазаси зонаси

Сув омборининг сув муҳофазаси зонаси унинг акваториясига туташиб кетувчи ҳудуд бўлиб, унда сув ресурслари муҳофазаси, оқиб келувчи сув манбалари, сув омбори ва оқиб чикувчи каналлар ўзанларини бузилишдан сақлашга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилиши йўлга қўйилади. Шунингдек, ушбу ҳудудда юритиладиган хўжалик фаолияти фақатгина амалдаги талаблар доирасида ва юқори сув хўжалиги ташкилотлари, жумладан Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси рухсати билан Қашқадарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва соғлиқни сақлаш бошқармалари билан келишилган ҳолда олиб борилади.

Сув муҳофазаси зонасида ҳудуд санитария ҳолатини зарур даражада сақлаш, сув омбори сувининг ифлосланиши ҳамда ўзанини тупроқ эрозияси қолдиқлари билан тўлишини олдини олиш мақсадида махсус тартиб ўрнатилади. Мазкур ҳудуддаги хўжалик фаолияти фақатгина ушбу тартиб асосида йўлга қўйилади ва ҳудудда жойлашган ҳар бир объектнинг эгаси бўлган ташкилот томонидан сув муҳофазаси талабларига риоя қилиш тўғрисида кафолатловчи шартнома мажбуриятлари имзолангандан кейингина объектда хўжалик фаолиятининг юритилишига рухсат берилади.

Сув муҳофаза зонаси сув омборининг бутун периметри бўйлаб белгиланади.

Сув омбори сув муҳофазаси зонасининг таркибига қуйидагилар киради:

- келгуси 50 йил ичида қайта шаклланиши кутиладиган қирғоқлар зонаси (янги қурилиш қилиш чегараланадиган зона);
- сув омборига бевосита туташиб кетувчи сойлик, жарлик, қирғоқ бўйи қияликлари ва нишаблиги 5 градусдан юқори бўлган нураган ерларни ўз ичига олувчи эрозион фаол зоналар ва тупроғи силжишга мойил участкалар;
- сув омбори сувга тўлган вақтда вақтинча сув остида қоладиган ҳудудлар;
- ер ости сувлари доимий юқори бўлган ҳудудлар;
- сув омборининг қирғоқларига экилган ихота дарахтлари.

Сув омбори сув муҳофаза зонасининг кенглиги унинг ва унга ёндош ерларнинг қандай мақсадларда фойдаланилишини ҳамда маҳаллий рельефни

инобатга олган ҳолда, яъни маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда, сув омборининг нормал тўлган ҳолатидаги сув юзасининг (қирғоқдаги) четидан 100 метрдан кам бўлмаган масофаларда белгиланади.

Сув омборининг нормал тўлган ҳолатидаги сув юзасининг (қирғоқдаги) четидан 50 метр масофада ҳар қандай хўжалик фаолияти юритиш, шу жумладан бирон бир объектни қуриш сув омборидан фойдаланиш бошқармасининг махсус рухсатисиз амалга оширилмайди.

III. ТЕХНИК ҚИСМ

1. Сув омборининг таркиби ва компоновкалари

Сув омбори таркибига қуйидагилар киради:

- Тўғон;

- Туб (донний) сув чиқаргич;
- Фавқулудда сув ташлагич.

1. Тўғон.

Тўғон тупроқли, тўкма, кумоқли тупроқли, бир жинсли. Тўғон асоси қалинлиги 150 м бўлган аллювиал чўкиндилар, тўғон бортлари лессимон кумоқларга тегиб туради.

Тўғон параметрлари:

- ўрқач отметкаси 650 м ;
- ўрқач бўйлаб узунлиги- 546 м;
- максимал баландлик 21 м;
- ўрқач бўйлаб эни 10м.
- Қияликлар жойлашуви: юқорги қиялик – 3,5; 3,0
пастки қиялик – 4,0
- Юқорги қиялик бермаси эни 8,0 м .

Тўғон юқорги қиялик қалинлиги 15 см бўлган бетон билан маҳкамланган, унинг асосида бетон қопламани силжишдан сақлаш учун 50x100 см ўлчамли яхлит бетон зуб ўрнатилган. Пастки қиялик ерқазар хайвонларининг ин курмасликлари учун шағалли тупроқ билан қопланган.

Дренаж. Тўғон бўйлаб чап қирғоқ ва ўнг қирғоқ ёпиқ дренажлари ўрнатилган. Ёпиқ дренаж тўғоннинг пастки бўёғида, чап қирғоқ дренаж тўғон сап бортида ўрнатилган бўлиб, диаметри 630 мм ли бетон қувур шаклида, ундан сўнг ёпиқ дренаж очик ўзанга ўтиб кетади.

Сув чиқаргичдан максимал сув сарфи ўтганда дренаж чиқиш қисми сув остида қолади.

Ўнг қирғоқ ёпиқ дренаж тўғон ўнг бортида ўрнатилган, диаметри 300 мм бўлган асбоцемент қувирдан ишланган. Ўнг томондан дренаж кўштутгич ва трапециядан сув ташлагичдан иборат. Қувирлар тўқнашган жойи суффозияга қарши стеклоткан билан қопланган. Дренаж умумий узунлиги 600 м, дренаж тизими максимал фильтрация сарфи 400 л/с.

Назорат ўлчов асбоблари (НЎА). Тўғон танаси ва асосида фильтрация тартибини кузатиш мақсадида, шунингдек сув омбори иншоотлари

деформациясини кузатиш учун 14 та пьезометр, 3 та юза, 14 та бетон маркалар, 2 та створ белгилари, 6 та фундаментал баландлик реперлари ўрнатилиши кўзда тутилган.

Туб (донний) сув чиқаргич.

Туб (донний) сув чиқаргич минорали типда, тўғон танаси жойлашган ПК 6+26 да деярли тўғон ўқиға перпендикуляр яхлит темир бетондан тикланган. Суғоришга сув беришга мўлжалланган. Сув чиқаргич хисобланган сув сарфи 28,8 м³/с, умумий узунлиги 252, остона отметкаси 661,0 м.

Фавқулодда сув ташлагич.

Фавқулодда сув ташлагич очик типда, юқоридан тушадиган (траншейн), тошқин сувларини ўтказиш учун қурилган, сув ўтказиш қобилияти 205 м³/с, умумий узунлиги 443,0 м бўлган яхлит темир бетон билан ишланган.

2. Сув омборини ўрганиш натижасидаги техник ҳолати

1.Тўғон.

Ўрқач. Тўғон ўрқачи шакллантирилиши тугаланмаган, ўрқач қоплама ва парапетлар мавжуд эмас. 2011 йил ўрқач чап қирғоғиға қор-ёмғир сувларини йиғиш мақсадида темир-бетон лоток ўрнатилган.

Юқорги қиялик бетон қопламаларида айрим жойларда бузилган жойлар мавжуд.

Пастки қиялик, қор-ёмғир сувларини йиғиш ва олиб кетиш учун лотоклар мавжуд эмас. Қиялик чап томонидан ўралар ҳосил бўлган .

Назорат ўлчов асбоблар (НЎА) сув омбори қурилишидан бошлаб 2000 йилгача тўғон асоси ва танасида фильтрация тартиби ва сув омбори деформациясини кузатиш ишлари олиб борилмаган, 2002 йилдан “Давсувҳўжаликназорат” инспекцияси Диагностика маркази томонидан хизмат галерияси ва затворлар камерасида 23 та шелемер баландлик маркалари ўрнатилган ва кузатувлар 1 цикли амалга оширилган. Ҳамда 2005 йил “Давсувҳўжаликназорат” инспекцияси Диагностика маркази томонидан 2 цикл амалга оширилган.

2000 йил тўғонда 14 та пьезометр ўрнатилган, 2011 йил ҳолати билан назорат ўлчов ишлари натижасида 1- жадвалга асосан 14 та пьезометр фақат 1 таси ишга яроқли.

Пьезометр № 2,4 5,6,8,9,11,13,14 етарли чуқурликда эмас, Пьезометр № 3,7,12 тошлар тиклиб қолган, № 10 пьезометр қурилмаган.

Пьезометрларнинг лойиҳавий ва ҳақиқий қийматлари

1-жадвал

Пикетлар	№ пьез	Пьезометрларнинг лойиҳавий кўрсаткичлари			Ҳақиқий маълумоти 18.10. 2011 йил ҳолатида			Лойиҳа дан четлаш иши	Эслат ма
		Отметка оголовка	Чуқир лиги м.	Туб отметка	Отметка оголовка	Чуқир лиги м*	Туб отметка		
ПК10+15 (створ I)	1	680.5	21,5	659.0	679.21	21,5	657.71	+1,29	
	2	679.0	20,0	659.0	680.86	18,70	662.16	-3,16	
ПК9+00 (створ II)	3	680.5	24,0	656.5	680.52	17	663.52	-7,02	Тош
	4	673.5	18,0	655.5	674.05	11,70	662.35	-6,85	
	5	666.4	10,94	655.46	668.13	9,70	658.43	-2,97	
ПК6+30 (створ III)	6	680.5	24,50	656.0	680.41	16,00	664.41	-8,41	
	7	673.5	18	655.5	673.06	забит.	забит.	-	Тош
	8	664.85	10,35	654.5	664.35	8,80	655.55	-1,05	
ПК3+90 (створ IV)	9	680.5	22,00	658.5	-	18,70	-	-3,3	
	10	680.5	27,65	652.85	-	Қурилмаган			
	11	663.5	10,65	652.85	663.52	3,55	659.97	-7,12	
ПК2+50 (створ V)	12	680.5	22,0	658.5	681.80	13,0	667.35	-8,85	Тош
	13	682.5	29,75	652.75	-	23,90	-	-5,85	
	14	680.5	27,65	652.85	684.27	27,30	656.97	-4,12	

Эслатама: пьезометрларнинг ҳақиқий чуқурлигини ва ҳолатини “Давсувхўжаликназорат” инспекцияси Диагностика маркази томонидан 18.10. 2011 йилда амалга оширилган.

2. Туб (донний) сув чиқаргич.

Кириш каллаги ва босимли қисмларда дефектлар мавжуд эмас.

Затворлар камерасида 2010 йил инъекция ишлар амалга оширилган.

3. Фавқулодда сув ташлагич.

Сув қабул қилгич (Водопрёмник):

- Порог ва водослив бетон қопламаси бузилган жойлари бор;

- Рейка талабга жавоб бермайди, у бевосита сув ташлагич бетониға қуйилган .

Тезоқар қисми:

- Сунъний ғадир будурлик қовурғалар ва тозоқар туби баъзи жойлари бузилган.

4. Сув омбори косаси, қирғоқларига бироз ишлов бериш давом этмоқда, сув омбори эксплуатация бошидан бошлаб лойқаланиш ҳажми маълумот йўқ.

5. Сув ўтказиш иншоотларининг ҳақиқий сув ўтказиш имкониятини аниқлаш ишлари амалга оширилмаган.

6. Электртаъминот, асосий “Чамбил” подстанциясидан 10/0,4 Кв трансформатор тўғон чап қирғоғида жойлашган. Электртаъминот резерв линияси йўқ, автоном дизель генератори мавжуд.

7. Алоқа, асосий “Узмабоил” телефон уяли алоқа аператори томонидан амалга оширилади.

8. Хабар бериш тизими. Сув омборида авария ҳолатда таъсир зонасига кирувчи яқин атрафдаги қишлоқлар аҳолиси ҳабордор қилиш мақсадида чап қирғоқда сирена ўрнатилган.

9. Лойиҳа хужжатлари, сув омборида ишчи хужжатлар деярли мавжуд эмас.

10. Авария захира материаллари етарли даражада эмас .

11. Авария ҳолатда харакат режаси 2011 йил ишлаб чиқилган ва Қашқадарё вилояти Фавқулодда бошқармаси билан келишилган ва тасдиқланган.

12. Сув омборига олиб келувчи йўли қониқарли ҳолатда.

13. Қуриқлаш. Эксплуатация хизмати томонидан амалга оширилади.

3. Техник ҳолатини баҳолаш

Техник ҳолатини баҳолашда қуйидаги тушунчалардан қарашимиз мумкин:

Назорат кўрсаткичлари – сув омбори техникавий воситалар ёрдамида ўлчанаётган ёки ўлчашлар асосида ҳисоблаб чиқилган миқдорий тавсифлар шунингдек Сув омбори ҳолатини сифат тавсифлари.

Диагностика кўрсаткичлари - Сув омбори ҳолатини баҳолаш ва диагностика қилиш учун муҳим бўлган, иншоот-замин-сув омбори тизими хавфсизлигига бутунлай ёки унинг алоҳида элементларига баҳо бера оладиган назорат кўрсаткичлари.

Иншоот ҳолати хавфсизлиги баҳоси: ишга лаёқатли (нормал) ҳолат - Сув омборининг шундай ҳолати, унда иншоот меъёрий ҳужжатлар ва лойиҳанинг барча талабларига жавоб беради ва иншоотнинг диагностика кўрсаткичлари қиймати ўзининг мезон қийматидан катта бўлмайди.

Қисман ишга лаёқатсиз (потенциал хавфли) ҳолат- Сув омборининг диагностика кўрсаткичларидан агар бирортаси йўл қўйиладиган чегаравий қийматдан катта (кичик) бўлган ёки башорат қилинадиган қийматлар интервали муайян шароит чегарасидан чиққандаги ҳолат.

Ишга лаёқатсиз (авария олди) ҳолати- гидротехника иншоотининг устуворлик, мустаҳкамлик ёки сув ўтказмаслик шарти бузилган, уни шикастланиш ҳолатлари вужудга кела бошлаган ҳолат.

Юқоридагилардан келиб чиқган ҳолда ҳамда Қалқама сув ўрганишлари шуни кўрсатадиги сув омбори иншоотлари қисман ишга яроқли (Потенциал хавфли).

Шу борада “Давсувхўжаликназорат” инспекцияси томонидан 1999 йил техник ҳолатини ўрганиб чиқилган ва Қалқама сув омборига 674,0 отметкагача сув йиғиш рухсат берилган ва 674,0 отметкадан оширмаслик бўйича доимий назорат ўратиб келинмоқда.

4. Сув омбори техник ҳолатини баҳолаш ва иншоот ишончилигини ошириш учун тавсиялар.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни юқотиш ва сув омбори ишончилигини янада тامينлаш мақсадида қуйдагилар таклифлар қилинади:

- тўғон устидаги асфальт қопламани тиклаш;
- таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш ва юқори кияликдаги бўшлиқларни тўлдириш;
- Чокларнинг гермитиклигини тиклаш
- Қуйи кияликда латоклар ўрнатиши, тўғоннинг чап ва унг қирғок билан туташ кисмидаги жала сувларини йиғиш ва олиб кетиш учун зарур чоралар куриш;
- қуйи кияликдаги ўсимликларни ва жониворларни уяларини юқотиш;
- босимсиз қувурда, қувур тубининг 3 м² майдондаги бузилган қисмини тузатиш;
- ишчи затворларида:
 - затворлар холатини аниқловчи датчиклар (ДПЗ)нинг ишини созлаш;
 - ўнг затвор редукторидан мой оқишини йўқотиш.
 - ўнг ва чап затворлардаги зичлаштурувчи қопламани алмаштириш.
 - Затворларнинг ўзини текширувдан ўтказиши, авария- таъмир затворларида антокоррозия қопламалар хосил килиш;
 - ДПЗ датчиклар ўрнатиши
 - Сув омборда шондор тешикларини таъмирлаш учун эҳтиёт қисмларини сақлаб туриш;
- Сув тақсимлагич тугунида ҳимоя қолпокларини ўрнатиш.
- Сув тақсимлагич тугунида ўтказгичларни тартибга солиш, кабель туридан фойдаланиш меъёр ва қоидаларига асосан янгилаб чиқиш;
- барча пьезометрларнинг ишга яроқлилиқ даражасига келтириш;
- хар йили пьезометрларнинг сезгирлигини текшириш туриш;
- коллекторни тозалаш, тўғон танаси ва асосидан филтрланаётган сувни ўлчаш асбобини ўрнатиш;
- тўғоннинг ишлаш қоидаларига биноан тўғон деформатцияси бўйича геодезик кузатишлар олиб бориш;
- Сув омбори архивини лойиха хужжатлари билан тўлиқ жамлаш;
- номенклатурага асосан авария захираси материалларининг тўлиқ номенклатурасини хосил килиш.

Кўрсатилган таклифлар сув омбори хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қилиниши керак бўлган асосий ишлардан ташкил топди.

5. Сув омборининг смета баҳосини аниқлаш.

Смета лойиҳа босқичида тузилиб, объект қурлиши учун зарур харажатлар ҳисоби қилинган ҳужжатдир.

Унинг уч тури мавжуд: маҳаллий, объект ва йиғма смета. Маҳаллий ва объект сметалари ёрдамида қурилишнинг асосида объектларнинг смета баҳоси аниқланади.

Қурилишнинг смета баҳоси «S»

$$S = TX + NX + ПЖ$$

TX- туғри харажатлар 2 жадвал

NX- накладной харажатлар

$$NX = (0,18; 0,22) * TX = 0,2 * 50118,42 = 10023,7 \text{ млн сумм}$$

ПЖ – планли жамғарма, қурилиш ташкилотининг фойдаси

$$ПЖ = 0,08 * T_{см} = 3207,6 \text{ млн сумм}$$

$$T_{см} = TX - NX = 50118 - 10023,7 = 40094,3$$

$$S = 50118,4 + 10023,7 + 3207,6 = 63349,7 \text{ млн сумм}$$

Қалқама сув омбори қурилишининг смета баҳоси

$$S = 63349,7 \text{ млн сумм}$$

Қалқама сув омборининг тўлиқ ишга тушиши учун талаб қилинадиган капитал қўйилмалар 2-жадвалда кўрсатилган.

Қалқама сув омборининг қурилишидаги асосий объектларнинг қурилиш семитасини аниқлаш

2-жадвал

№	Бажариладиган иш турлари	Улчов бирлиги	Иш миқдори	Тўғри харажат	
				иш бирлиги	Жами харажат

				учун минг сум	млн. сум
1	Тупроқ ва тошлоқ ерларда олиб қозиш ишлари	минг.м ³	193,31	1,2	232,0
2	Тўғон кутармаси	минг. м ³	1124,2	1,35	1517,8
3	Тўғон ядроси	минг. м ³	260,8	1,40	388,6
4	Бетон ва темирбетон қурилмалар	минг. м ³	51,52	140,0	7212,8
5	Гидротехник метал қурилмалар	т	88,24	3340,0	29472,2
6	Тош ва харсанг тош	т	21,9	50,0	1095,0
7	Тайёрлов қатлам	м ³	235,0	1,25	293,8
8	Камиш ва бутазорларни қиркиб тозалаш	га	35,0	150,0	5250,0
9	ободонлаштириш	га	4,0	25,0	100,0
10	Жами харажатлар Σ	мин.сум	-	-	45562,2
11	Руйхатга кирмаган харажатлар Р	мин.сум	10% Σ -	-	4556,22
12	Жами туғри харажатлар	мин.сум	Σ Р-	-	50118,42

Қалқама сув омбори қурилишининг 2008 йил нархларида ҳисобланган тахминий тўғри харажатлари ТХ=50118,42 мил сум

**Қалқама сув омборининг ишга тушириш учун
зарур капитал қурилмалар**

2- жадвал

№	Харажатлар тури	%	Қиймати млн. сум	Эслатма
1	Тайёргарлик ишлари	4,5	2850,7	«S» дан
2	Амалий ишлаб чиқариш объекти	100	63349,7	«S» дан
3	Ёрдамчи ишлаб чиқариш объектлари	1,5	950,3	«S» дан
4	Энергетика хўжалиги объекти	1,0	635,5	«S» дан
5	Транспорт ва алоқа хўжалиги объектлари	2,0	2534,0	«S» дан
6	Майдонни ободонлаштириш	0,5	316,8	«S» дан
7	Ташки алоқа, газ ва иссиқлик билан таъминлаш	0,7	443,5	«S» дан
1-7 бўлимлар жами 71078,5				
8	Вақтинчалик бино ва қурилиш	4,5	3212,3	1-7
9	Бошқа харажатлар	13	9657,8	1-8 дан
1-9 бўлимлар жами 83948,3				

10	Қурувчи ташкилот дирекцияси харажатлари	0,7	443,5	«S» дан
11	Эксплуатация ходимларининг тайёргарлик харажатлари	0,5	316,8	«S» дан
12	Лойиха ва қидирув ишлари	2,0	1485,8	1-8 дан
13	Кўзда тутилмаган харажатлар	2,0	1723,9	11-12 дан
14	Кайтарилмайдиган харажат	1,5	48,2	8 дан
15	Талаб қилинадиган капитал қурилмалар K_{co}	-	87966,53	1-14 дан

Қалқама сув омборининг ишга туширилиш учун лозим бўлган капитал қурилма миқдори $K_{co} = 87966,53$ млн сум

Қишлоқ хўжалик қурилишлари, ирригация ва ерларни ўзлаштиришга сарфланадиган капитал қуйилмалар миқдорини аниқлаш

а) ирригация қурилиш бўйича

$$K_{ир} = \omega_n \cdot K_{ир}^{нор} = 7500 \cdot 360000 = 1620 \text{ млн. сум}$$

ω_n - суғориладиган майдон 7,5 минг га.

$$K_{ир}^{нор} = 1 \text{ га ер учун ажратилган маблағнинг меёрий қиймати} - 360000 \text{ сум}$$

б) Қишлоқ хўжалик қурилишлари ва ерларни ўзлаштириш учун:

$$K_{к\kappa} = \omega_n \cdot K_{к\kappa}^{нор} = 7500 \text{ га} \cdot 450000 \text{ сум} = 2025 \text{ млн. сум}$$

Сув хўжалиги комплексига сарфланадиган умумий капитал қуйилмалар миқдори

$$K = K_{co} + K_{ир} + K_{к\kappa} = 87966,53 \text{ млн сум} + 1620 \text{ млн. сум} + 2025 \text{ млн. сум} = 91611,53 \text{ млн. сум}$$

Қишлоқ хўжалиги қуйилмалари, ирригация ва ерларни ўзлаштиришга сарфланадиган капитал қуйилма

$$K = 91611,53 \text{ млн. сум}$$

Иншоот буғмининг йиллик эксплуатация харажатларини аниқлаш.

Эксплуатация харажатларини сув омборидаги иншоотлар бўлми ишчи ҳолатда сақлаш учун сарфланади, ва у ишлаб чиқарилаётган маҳсулот – сувнинг таннархини бегилайди.

У қуйидаги харажатлар йиғимидан иборат:

1. Эксплуатация ходимларининг йиллик иш ҳақи фонди. ИХФ
2. Асосий фондларни тўла тиклаш учун амартизация ажратмалари-Атик

3. Жорий таъмир харажатлари.Ж.Т.

4. Махсус харажатлар-МХ

5. Бошқа харажатлар-БХ

Сув омбори эксплуатация ходимларининг йиллик иш хаки фонди куйидагича аниқланади:

$$\text{ИХФ}=\text{ОИХ} \cdot 12 \cdot \text{п}=20.12.175000=42000000\text{сум}=42 \text{ млн.сум.}$$

П-эксплуатация ходимлари сони-11 та

12-йилдаги ойлар сони-12 ой

ОИХ-175000 сум-ўртача ойлик иш хакки

а) иш хаки фондига ажратмалар

$$\text{ИХФа}=0,4 \text{ ИХФ}=0,4.42,0 \text{ млн сумм}=16,8 \text{ млн сум}$$

б) кушимча иш хаки фонди

$$\Delta=0,15 \text{ ИХФ}=0,15.42 \text{ млн.сум}=6,3 \text{ млн сумм}$$

в) умумий йиллик иш хаки фонди

$$\sum \text{ИХФ} = 65,1 \text{ млн.сум}$$

умумий йиллик иш фонди

1. Амортизация ажратмалар

$$\text{Атик}=\frac{\text{Дк} \cdot \text{Ф}_{\text{тик}}}{100} = \frac{79169,9 \cdot 5}{100} = 3958,5 \text{ млн сум}$$

$\text{Дк}=0,9$ $\text{Ксо}=79169,9$ млн сумм асосий фонднинг дастлабки баланс қиймати.

2. Жорий таъмирлаш харажатлари

$$\text{ЖТ}=\frac{\text{Дк} \cdot \text{К}_{\text{т}}^{\text{нор}}}{100} = \frac{79169,9 \cdot 0,5}{100} = 395,9 \text{ млн сум}$$

$\text{К}_{\text{т}}^{\text{нор}}=0,5\%$ жорий таъмирлаш коэффициенти

3. Махсус харажатлар

$$\text{МХ}=0,005 \cdot \text{К}_{\text{со}}=0,005 \cdot 87966,5 \text{ млн.сум}=439,8 \text{ млн.сум}$$

4. Бошқа харажатлар

$$\text{БХ}=(\sum \text{ИХФ}+\text{ЖТ}+\text{МХ}) \cdot 0,15=(65,1+395,9+439,8) \cdot 0,15=135,1 \text{ млн.сум}$$

Юкоридаги ҳисоб натижалари жамланиб йиллик эксплуатация харажатлари миқдорин аниқланади

№	Харажатлар таркиби	Ифодаси	Киймати мл сум	Нисбати
1	Йиллик иш ҳақи фонди	∑ИХФ	65,1	1,3
2	Амортизация ажратмалари	Атик	3958,5	19,3
3	Жорий тамир харажатлари	Жти	395,9	8,0
4	Махсус харажатлар	Мх	439,8	8,8
5	Бошка харажатлар	Бх	135,1	2,6
	Жами	ЭСО	4994,1	100

ЭСО = 4994,1 млн. сум

Эксплуатация харажатларнинг сотилишни бирлиги :

Хар бир га ерга тўғри келадиган харажатлар

$E_{CO}^{CB} = E_{CO} \cdot \omega_{п} = 4994,1 \text{ млн сум} / 7,5 \text{ минг га} = 1,1 \text{ млн. сум}$

1 м³ сувга тўғри келадиган харажатлар ёки сувнинг таннари

$T_{суб} = E_{CO} / W = 4994,1 : 632,0 \cdot 10^6 \text{ м}^3 = 7 \text{ сум} 90 \text{ тийин}$

Q- сув сарфи = 40 м³/с; W = 15,8 · 10⁶ сек вегитация даври

$W = Q \cdot t = 40 \text{ м}^3/\text{с} \cdot 15,8 \cdot 10^6 \text{ сек} = 632 \cdot 10^6 \text{ м}^3$

6. Юқори бьефдаги сув сатҳининг устидаги тўғон ўркачи захирасини ҳисоблаш

Лойиҳада аниқланган, асосий кучланишлар жамламаси учун ҳисоблашда қўланиладиган энг катта тўлқин баландлиги 0,44 метрга тенг.

Тўғон ўркачининг кўтрилиш баландлигини аниқлаш бўйича янгидан ишлаб чиқилган КМК талабларига асосан аниқланган ҳисоблар натижалари келтирилган, Юқори бьеф сатҳига нисбатан тўғон ўркачи қанчалик юқорида, бўлиши кераклиги КМК 2.06.05-98 ва КМК 2.06.04-97 талабларига мос равишда, сув сатҳининг юқори бьефдаги туришининг 2 ҳолати учун аниқланган.

а) меъёрдаги димланиш сатҳи учун (МДС).

б) кўп ҳолатда бўладиган диманиш сатҳи учун (КХДС)

МДС даги ўркач баландлигини ҳисоблаш

МДС- 677,2м. Бўлган ҳол учун ҳисоблаганда тўғон ўркачи ёки яхлит парапетнинг кўтарилиш баландлиги h_s – қуйдаги формула билан аниқланади,

$$h_s = \Delta h_{set} + h_{run\%} + a$$

Бунда Δh_{set} - юқори бьефда шамол таъсирида кўтарилиш баландлиги;

$h_{run\%}$ - 1% эҳтимолик билан содир бўлувчи шамоллар таъсирида кўтарилувчи тўлқин баландлиги;

а- 0,5м, тўғон ўрқининг баландлик захираси

$$\Delta h_{set} = K_w V_w^2 \text{Cosa}_w / q (d+0.5 \Delta h_{set})$$

K_w - КМК 2.06.04-97 даги 2* жадвалдан олинган,

V_w – шамолнинг қуйдаги формулага асосан ҳисоблаб аниқланган тезлиги.

$$V_w = k_{fi} k_i V_i$$

V_i - сув сатҳидан 10м баландликдаги шамол тезлиги, эҳтимолиги КМК 2.06.04-97 нинг 7 пункти бўйича олинган ҳар 10 минут ораликда ўлчаниб, ўртача қиймати ҳисоблаб чиқилган тезлигига тенг.

Шамолдан ҳосил бўлувчи тўлқинлар ёки шамол ҳайдаган тўлқинлар тезлиги Тусунсой сув омбори учун аниқлашда, II синфга кирувчи сув омбори сифатида қаралиб, 2% гача эҳтимолиги бўлган шамоллар тезлиги 18 м/с га тенг қилиб олинган, йўналиши шимолий шарқдан тамонга деб қабул қилинган. (Л-5)

k_{fi} – коэффициент флюгер бўйича аниқланган шамол тезлигини қайта ҳисоблашда аниқланади.

$$k_{fi} = 0,675 + (4,5/V_i) \text{ 1 дан катта бўлиши мумкин эмас;}$$

k_i – рельефини ҳисобга олиш коэффициенти

Қалқама сув омбори учун $k_i = 1,1$ га тенг

L – тўлқин югуриш йўлининг узунлиги, метрда

$$h_{run1\%} = k_r k_p k_{sp} k_{run} h_{1\%}$$

k_r и k_p – қиялик синдирувчанлиги ва ғадир будурлигини коэффициенти, КМК 2.06.04 – 97 даги 6 жадвалдан олинган.

k_{sp} - КМК 2.06.04 – 97 даги 7- жадвалдан.

k_{run} –КМК 2.06.04 – 97 даги 10 расмдаги графикларга асосан аниқланади.

Ҳисоб натижасида

$$\Delta h_{set} = 0,01\text{м}; h_{run1\%} = 1,29\text{м}.$$

МДС устидан парапетнинг кўтарилиш баландлиги $h_s = 0,01 + 1,29 + 0,5 = 1,8$ м. тўғоннинг яхлит парапетнинг баландлиги учун зарур бўлган катталик

▼ парапет учун $= 677,2 + 1,8 = 679$.

Парапет баландлиги 0,7 ҳисобга олган ҳолда ўрқачининг амалдаги (баландлиги чўкишини ҳисобга олган ҳолда) 677,2м (Л-8), шунга кўра парапетнинг амалдаги баландлиги 677,9 м. Шундай қилиб ҳисоблашда аниқланган парапет тепасининг белгиси 1,1 м га ҳисобдаги баланд бўлса, сувнинг тўғондан ошиб ўтишининг олди олинади.

КХДС учун ўрқач баландлигини ҳисоблаш.

Юқори бўфдаги сув сатҳи $\Phi ДС = 679$ м, бўлган ҳолат учун ҳисобланган. Юқорида келтирилган услуб бўйича ҳисобланганда. Юз бериш эҳтимоли 20% бўлиб, тезлиги 13м/с га тенг. Ҳисоблар натижаси қуйдагича

$$\Delta h_{set} = 0,01\text{м};$$

$$h_{run1\%} = 0,83\text{м}..$$

КХДС даги ўрқач учун зарур баландлик

$$h_s = \Delta h_{set} + h_{run1\%} + a = 0,01 + 0,83 + 0,5 = 1,34\text{м}.$$

Бундай шароитда ўрқач белгиси учун $679 + 1,34 = 680,34\text{м}$. бўлиши зарур, амадаги зарур ўрқач белгиси 680,34 м. 0,7 м баландликли парапетни ҳисобга олсак $680,34 + 0,7 = 681,04$. Яъни парапет билан биргаликда ўрқач баландлиги КМКдаги шартни қониқлантиради ва сувнинг ўрқачдаги ошиб содир бўлмайди. Минорали сув чиқарич қисмидаги парапет яхлит эмас ва юқори қияликка тушуб борувчи йўл мавжуд бўлиб, бу ерда тўлқин унга баландга кўтарилмайди, сабаби тўлқиннинг тезлик олиш ва КХДС даги ўрқачнинг кўтарилиш баландлиги $h_s = 1,0$ м, бу эса ўрқач белгиси 680,54м га мос келади.

Ўрқачнинг бу қисмидаги амалдаги белгиси 680,71м, бўлиб ҳисобда аниқланган белгидан 0,17м ортиқ.

Зилзила вақтида ҳосил бўлувчи гравитация тўлқинларини текшириш қуйдагича кўрсатади.

Зилзила вақтидаги гравитация тўлқининг баландлиги қуйдаги формулада аниқланади.

$$h = 0.4 + 0.76(J-6) = 1.16\text{м}.$$


J- зилзиланинг балларда аниқланган кучи гравитация тўлқининг баландлиги амалдаги ўрқач белгиси $662,36 - 658,36 = 4,0\text{м}$.

Хулоса. гравитация тўлқинлари пайда бўлганда улар ўрқачдан ошиб ўта олмайди

IV. ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИСМ


1. Ташкилий тизим (структура) ва штат таркиби

Лангар сел сув омбори бўлим сифатида эксплуатация қилиниб, Қашқадарё магистрал тизими бошқармасига, Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига бўйсунди. Бошқаришнинг таркибий кўриниши куйида келтирилган.



Штат таркиби ва сони эксплуатация ишлари ҳажми, эксплуатация хизматининг тузилиши ва иншоотлар тоифасига боғлиқ равишда тайинланади.

Сел сув омбори эксплуатацияси хизматининг схемаси расмда келтирилган.



Сел сув омбори ходимларининг лавозимлар жадвали Қашқадарё магистрал тизими бошқармаси таркибида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Лангар сел сув омборида ишловчи МТХ лар лавозимлари рўйхати.

№	Лавозимлар номи	ходимлар сони
1	Бошлиқ	1
2	Тўғоннинг техник ҳолатини кузатувчи I- тоифали муҳандис	1
3	Электромеханик	1
4	Муҳандис-деспетчер	3
5	Муҳандис	2

6	I- тоифали техник	1
	Сув омбори бўйича жами:	9

2. Сув омборини эксплуатация даврида техник назорат қилиш тизими

Сув омборини ишончли ҳолатига баҳо бериш тизимли равишда, лойиҳадан бошланиб, қурилиш даврида ва ундан кейин эксплуатация жараёнида ҳам давом этиши керак. Бу жараёнда гидротехника иншоотларини эксплуатация ташкилотлари, ихтисослашган лойиҳавий ва илмий-тадқиқот ташкилотлари, алоҳида мутахассис-экспертлар томонидан мунтазам кўриқдан ўтказиб туришларига, шунингдек, иншоотлар ҳолатини назорат органлари текшириб туришларига катта эътибор қаратилади.

Гидротехника иншоотларини кўриқдан ўтказиш ва текширишларнинг бутун тизимини қўйилган мақсад, вазифа ва муддатга кўра қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- эксплуатация ташкилоти кучи билан иншоотларни, тошқин сувларни ўтказишга тайёрлаш, тошқин сувлар ўтгандан сўнг, кузги-қишки даврга тайёрлаш пайтида кўриқдан ўтказиш;

- иншоотларни зилзила ва кучли сув тошқини ўтказгандан сўнг кўриқдан ўтказиш;

- иншоот ишида уларни таъмирлаш режими технологиясини ишлаб чиқиш ва эксплуатация режимига аниқлик киритиш мақсадида, нуқсонларни пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш бўйича эксплуатация ташкилотлари томонидан жалб этиладиган илмий-тадқиқот институтлари (ИТИ), лойиҳа ташкилотлари мутахассислари ёрдамида муайян жойда текширув ва тадқиқот ишларини ўтказиш;

- сув омборини хавфсизлиги бўйича давлат назорати органлари томонидан иншоотларни инспекция текширувидан ўтказиш;

- соҳа вазирлиги ва идораси томонидан камида 5 йилда бир марта мутахассислардан иборат комиссия ўтказадиган марказлашган текширувлар.

Марказлашган текширувларни ўтказиш ҳақидаги масала кўриб чиқиладиганда, гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича эксплуатация қилувчи ташкилотнинг мажбуриятлари шакллантирилган Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги 9-моддасини барча бандлари режали тартибда кўриб чиқилади.

Қуйидаги тушунчалардан фойдаланиш тавсия этилади:

Назорат кўрсаткичлари – қаралаётган иншоотда техникавий воситалар ёрдамида ўлчанаётган ёки ўлчашлар асосида ҳисоблаб чиқилган миқдорий тавсифлар шунингдек гидротехника иншоотлари ҳолатини сифат тавсифлари.

Диагностика кўрсаткичлари - гидротехника иншоотлари ҳолатини баҳолаш ва диагностика қилиш учун муҳим бўлган, иншоот-замин-сув омбори тизими хавфсизлигига бутунлай ёки унинг алоҳида элементларига баҳо бера оладиган назорат кўрсаткичлари.

Иншоот ҳолати хавфсизлиги баҳоси: ишга лаёқатли (нормал) ҳолат - гидротехника иншоотларининг шундай ҳолати, унда иншоот меъёрий ҳужжатлар ва лойиҳанинг барча талабларига жавоб беради ва иншоотнинг диагностика кўрсаткичлари қиймати ўзининг мезон қийматидан катта бўлмайди.

Қисман ишга лаёқатсиз (потенциал хавфли) ҳолат- гидротехника иншоотларининг диагностика кўрсаткичларидан агар бирортаси йўл қўйиладиган чегаравий қийматдан катта (кичик) бўлган ёки башорат қилинадиган қийматлар интервали муайян шароит чегарасидан чиққандаги ҳолат.

Ишга лаёқатсиз (авария олди) ҳолати- гидротехника иншоотининг устуворлик, мустаҳкамлик ёки сув ўтказмаслик шарти бузилган, уни шикастланиш ҳолатлари вужудга кела бошлаган ҳолат.

Гидротехника иншоотларини марказлашган ҳолда текширувдан ўтказишдан **мақсад**:

-гидротехника иншоотларини мавжуд ҳужжатлар, шунингдек, аввалроқ ўтказилган тадқиқотлар, кўз билан қараб чиқиш ва зарур ҳолларда махсус

бевосита объектда бажариладиган лаборатория тадқиқотлари асосида техникавий ишончилигини ва ҳолати хавфсизлигини баҳолаш;

-гидротехника иншоотларини хавфсизлик даражасини ошириш бўйича эксплуатация ходимлари қабул қиладиган чора-тадбирлар етарли эканлиги ёки етарли эмаслигини баҳолаш.

Марказлашган ҳолда кўриқдан ўтказишларнинг вазифаси бўлиб:

-гидротехника иншоотлари техник ҳолатини текшириш ва унинг устидан эксплуатация назорати ва кузатувини ташкил этиш;

-лойиҳавий ечимлардан четга чиқиш, иншоот конструкцияларини шикастланишлари, нуқсонлари, аварияга сабаб бўлиши мумкин бўлган иншоот материалларини физика-механикавий хоссалари ўзгаришини аниқлаш;

- гидротехника иншоотларини тўлиқ ва унинг алоҳида элементларини амалдаги меъёр (норматив) лардан келиб чиқиб, текширув пайтидаги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамлиги ва устуворлигини захираси етарли эканлигини аниқлаш;

-объектда ўрнатилган назорат-ўлчов асбоблари (НЎА) нинг самарали кузатишлар олиб бориш учун етарли эканлиги ва ҳақиқий ҳолати, улар томонидан кузатувлар мунтазамлигини ўрнатиш, кузатув маълумотларига ишлов бериш ва уларнинг таҳлилини ўтказиш;

-техникавий ҳужжатларнинг ҳолатини текшириш.

Гидротехника иншоотларининг марказлашган кўриқдан ўтказиш объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: тўғонлар, гидроэлектростанциялар бинолари, сув ташловчи, сув ўтказувчи ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, коллекторлар, насос станциялари, дарё ўзанлари ва каналлар туби ҳамда ва қирғоқларини, сув омборлари қирғоқларини сув тошқини ва бузилишидан ҳимоя қилувчи иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари суяқ чиқиндиларини тўпловчи омборларни ўраб турадиган иншоотлар (дамбалар).

Гидротехника иншоотларини марказлашган кўриқдан ўтказиш барча вазирлик ва идоралар томонидан бажариш мажбурийдир ва у уларнинг

тасарруфида турган I, II ва III капиталлик синфидаги гидротехника иншоотларига тааллуқли ҳисобланади.

Гидротехника иншоотларини фақат кўриқдан ўтказиш натижаларига кўра уларни ишга лаёқатлигига баҳо бериш мумкин бўлмаса, иншоотларни ёки уларнинг алоҳида конструктив элементларини синовдан ўтказиш зарур бўлади.

Кўриқдан ўтказиш ишлари меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда бажарилади.

Гидротехника иншоотларини кўриқдан ўтказишни ташкил этиш тартиби. Марказлашган кўриқдан ўтказиш соҳа вазирликлари ва идоралари буйруқлари билан аввалдан тузилган ва тасдиқланган қоидалар бўйича ташкил этиладиган экспертлар комиссияси томонидан ўтказилади.

Комиссия таркибига давлат сув хўжалиги назорати, гидротехника иншоотини эксплуатация қилувчи ва бош лойиҳа ташкилотлари раҳбарияти вакиллари киритилади. Комиссия таркиби шундай танланадики, унинг таркибига бетон, темир-бетон конструкциялар ва иншоотлар, грунтли иншоотлар, қурилиш материаллари ва бетон ҳамда цементация ишлари, муҳандислик геологияси ва грунтлар механикаси, иншоотлар диагностикаси ва бевосита объектда ўтказиладиган тадқиқотлар, иншоотлар ва қуйи бьеф гидравликаси, механикавий жиҳозлар бўйича мутахассислар, шунингдек, гидротехника иншоотлари конструкцияси ва вазифасига кўра бошқа керакли мутахассислар ҳам кириши лозим.

Айрим ҳолларда ўта муҳим объектларни кўриқдан ўтказишда фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) органлари билан келишилган ҳолда комиссия таркибига уларнинг ҳам вакиллари киритилиши мумкин.

Эксплуатация ташкилоти комиссияга унинг объектда иш бошлашидан олдин кўриқдан ўтказиладиган объектнинг техник ҳолати ҳақида маълумотнома тайёрлайди.

Кўриқдан ўтказиш натижаларига кўра текширув акти тузилади ва гидротехника иншоотларини кейинги эксплуатацияси бўйича тавсиялар,

уларни техник ҳолатини ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича бажарилиш муддатлари белгиланган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Кўриқдан ўтказиш муддатлари ва даврийлиги. Гидротехника иншоотларини кўриқдан ўтказиш даврийлиги камида 5 йилда бир марта, аммо хавфсизлик декларациясини тузиш ва янгилашга қадар камида бир йил аввал ўтказилади.

Фавқулоддаги ҳолатлар (зилзила, максимал ҳисобий сатҳдаги сув сарфига эга сув тошқини ва бошқалар) рўй берган объектларда ёки грунтли иншоотлар ва заминларда катта чўкишлар – ўпирилишлар туфайли уларнинг ишончилиги ва хавфсизлигига шубҳа туғилганда, иншоот ва заминлар ювилиб кетганда, туннелларда ўпирилишлар, кўчиш ва ш.к. лар содир бўлганда объектларда навбатдан ташқари кўриқдан ўтказилади. Бундай ҳолларда фавқулодда воқеа рўй бергандан сўнг 1-2 ҳафтадан кечикмасдан эксплуатация ташкилотининг ташаббуси билан иншоотлар текширувдан ўтказилади.

3. Сув омборида техник қаров ишлари

Сув омборлари, уларнинг гидромеханик ускуналари, насос – кучланиш қурилмалари, сувни ўлчаш ва ҳисоб-китобини олиб борувчи қурилмаларига техник қаров (уход) ҳар кунлик, даврий ва махсус қаровларни, мўътадил техник ҳолатини таъминлаш учун зарур бўладиган эксплуатацион тадбирларни ўз ичига олиб, уларни кўриқлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, уларни майда – чуйда таъмирлаш ишларини бажариш каби бир неча ишлардан иборат бўлади.

Сув омборининг гидромеханик ускуналари устидаги қўқимлар ҳар куни супуриб олиниши, артиб тозаланиши шарт. электр двигателларини иш соатлари ҳисобга олиниб, тайёрловчи заводларнинг кўрсатмаларига мувофиқ, уларга техник қаров амалга оширилиши, затворлар, қўқим ушловчи панжаралар олдидаги сузиб, оқиб келган қўқимлар, хас–хус йиғиштирилиб олиниши, затворларини ўзи кўриқдан ўтказилиши, лозим бўлса, кўтаргичлари ёғланиши керак.

Бетон сиртлардан кўчиб тушган кичик ҳажмдаги бетонлар ўринларини, ёриқларни, кўчган сувоқларни суваб қўйиш, ер тешар ҳайвонлар (зараркунандалар)ни инларини бузуш, изоляцияни кемирувчи ҳайвонлар кемириб, очилиб қолган жойларни изоляция қилиб қўйиш, затворлар ости, иншоотлар тешикларидаги чўкинди ва кўкимларни тозалаш (баъзи бир иншоотларда юқори бьефларда тўпланиб қолган чўкиндиларни механик ёки гидравлик усулда ювиб тозалаш), узилган симларни улаш каби таъмирлаш ишлари бажарилиши керак.

(Сувдан ташқаридаги) металл сиртлар устидаги коррозия (занг)лар туширилиши, занглашга қарши бўяш, мўмлаш, бўшаган болт – гайка (мурват)ларни бураб, қисиб тортиб қўйиш, тайёрловчи заводларнинг кўрсатмаларга мувофиқ назорат – ўлчов асбобларини тўғрилаш (регулировка қилиш), лозим бўлса, майда – чуйда таъмирлаш ишларини бажариш ва уларни техник соз ҳолатга келтириш.

Ер тешар, кемирувчи (зараркунанда) ҳайвонлар пайдо бўлганлиги (белгилари) сезилса, уларга қарши курашиш хизматига буюртма бериш ва бундай зараркунандаларни йўқотиш чораларини кўриш лозим.

Сел келиши мумкин бўлган жойлар, сел ва тошқин бўладиган муддатлар ўрганилиши, бу муддатлардан олдин барча иншоотларни тешиклари тошқин ва сел сувларини беталофат ўтказиб юборишга тайёрлаб қўйилиши керак, бунинг учун, огоҳлантириш воситалари текширилиши, иншоотларни кўким ушловчи панжаралари, тешиклари олдида тўпланиб қолган чўкинди ва кўкимлар ҳар куни тозалаб олиб ташланиши шарт. Сел ва тошқин кутилаётган муддатлардан олдин тошқин комиссияси тузилиши, кечасию – кундузи навбатчилик ташкил қилиниши, алоқа воситалари, ер қазиш техникаси, машина ва механизмлар тайёрлаб қўйилиши, шунингдек керакли материалларнинг авария захирасини ўрни ҳар куни тўлдирилиб борилиши шарт.

Сув омборини қишқи мавсумга тайёрлаб қўйилиши, ҳар куни музлаш жараёни кузатилиши, кўким ушловчи панжаралари олдидаги муз майдаланиши (синдирилиши), затворлар ишончли ишлатилишини таъминлаш учун, лозим бўлса, кўтаргичлар ва затворларни иситиш чоралари кўрилиши зарур.

Иншоотлар ва уларнинг гидромеханик қурилмалари, жиҳозларини ўт (олов) чиқиши мумкин бўлган жойлари олдида чекиш, кавшарлаш, олов ёқиш, шунингдек олов чиқишига олиб келадиган барча тадбирларни амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Кундалик техник ҳужжатлар, журналлар тўлғазилиши, уларни йўқолмаслиги учун барча чоралар қўрилиши зарур.

Иншоотлар атрофидаги экинзор, дарахтзорларга қараб туриш, уларни суғориш, ерига ишлов бериш, дарахтларни буташ, сел ва тошқин пайтида, кам вақт ичида, тошқинни йўлини тўсиш (беркитиш)га кесиб оладиган қилиб, тайёрлаб қўйиш лозим. Сув муҳофазаси минтақаларидан унумли ва мақсадли фойдаланилади.

4. Сув омборининг эксплуатация хизмати ишини ташкил қилишнинг асосий қоидалари

Эксплуатация хизматини ишини режалаштиришдан олдин Сув омборининг, улардаги гидромеханик ускуна ва қурилмалар, ёрдамчи қурилма ва ускуналар, машина ва механизмлар, ер қазииш механизмлари, транспорт воситалари, алоқа тизими, назорат йўллари, маъмурий, ишлаб чиқариш, ёрдамчи бинолар, муҳофаза минтақалари, ҳар йили, техник рўйхатдан ўтказилиши, гидротехника иншоотларининг кадастр ҳисоботи тузилиши шарт.

Ундан сўнг техник рўйхатдан ўтказиш натижалари ва кадастр ҳисоботига асосланиб эксплуатация хизмати амалга ошириши мўлжалланаётган ишлар ҳажми аниқланади, барча ишларни инобатга олиб штат жадвали тузилади. Ҳар бир мутахассис, ишчи – хизматчиларнинг хизмат вазифалари аниқланади, улар хизмат вазифалари рўйхати билан таъминланади.

Эксплуатация хизмати амалга оширадиган (бошқариш, сув тақсимлаш, назорат (кузатиш), техник қаров, таъмирлаш, замонавий (мукамал) лаштириш, ҳисобот) ишлари, шунингдек материалларнинг авария захираси ҳажми белгиланиб, келаётган йил учун эксплуатация тадбирлари режаси ишлаб чиқилади, у албатта вазирликда тасдиқланиши шарт. Бу режанинг бир

нусхаси бажарилиши кутилаётган ишларни маблағлаштириш учун талабнома сифатида вазирликда қолдирилади.

Эксплуатацион тадбирларни тасдиқланган режаси ташкилотда бажарилиши кутилаётган таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун вазирликнинг рухсатномаси ҳисобланади. Режада кўзда тутилмаган, бузулишлар оқибатида вужудга келган таъмирлаш ишларини олиб бориш учун вазирликдан қўшимча рухсат олиш зарур, мазкур рухсатнома йиллик режага ўзгартириш киритишга асос бўлади.

Сув омборининг йиллик молиявий – хўжалик режаси эксплуатация тадбирлари сарф – харажатлари, транспорт, ер қазииш техникаси хизмати, штат жадвали бўйича иш ҳақи, хизмат (сервис)ларга тўловлар, кадрларни тайёрлаш ва мутахассисларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш харажатлари, бошқа ташкилотлар бажариши кутилаётган таъмирлаш ишлари бўйича тўловлар, электр таъминоти, янги техника ва асбоб – ускуналар, машина – механизмлар, НЎА, қурилмалар сотиб олиш харажатлари ва бошқа харажатларни эътиборга олиб тузилади. Уни бажарилиши, ҳар йили, аудиторлик хизмати томонидан текширилиб, таҳлил қилиб борилиши керак.

Таъмирлаш - қайта тиклаш ишлари режаси таъмирлаш ишлари рўйхати тузилиб, бажариладиган ишлар ҳажми ва керакли ностандарт, стандарт металлоконструкциялар рўйхати, янги қурилма ва ускуналарга талабнома аниқланиб тузилади. Ишларни бажариш учун лозим бўладиган машина ва механизмлар, ер қазииш техникасини сони иш ҳажмидан келиб чиқиб аниқланади.

Эксплуатация хизмати объектларни эксплуатация қилиш хусусиятларидан келиб чиқиб, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси кўрсатмаларига аниқликлар киритиши, аниқликлар киритилган кўрсатмаларни барча ишчи – хизматчи, муҳандис – техник ходимлар томонидан бажарилишига эришиши зарур. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси режаси ишлаб чиқилади, уни бажарилиши таъминланиб, йил охирида ҳисоботи тузилади. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси

коидаларини бажарилиши доимий назоратда бўлиши, уни ўтказиш тадбирлари маблағ билан таъминланиши шарт.

Эксплуатацион тадбирларни бажарилиши устидан юқори ташкилотларга ҳар кунлик ахборотлар, ўн кунлик ёки ўн беш кунлик, ойлик тезкор ҳисоботлар бериб борилади. Ахборотлар ва маълумотларни ишончилиги учун ташкилотнинг бошлиғи ёки бош муҳандиси жавобгар бўлади. Эксплуатацион тадбирлар ва капитал таъмирлаш, тизимни ва объектларни қайта қуриш, янгилаш ва яхшилаш бўйича ҳисобот белгиланган шаклларга мувофиқ юқори ташкилотларга тақдим қилинади. Унинг бошлиқ имзолаган ва таркиби қуйида келтирилган тушунтириш хатида солиштирма кўрсаткичлар билан ҳисобот йилида эришилган натижалар, ишдаги камчиликлар ва тизимнинг ишини яхшилаш бўйича тақлифлар келтирилиши зарур.

Эксплуатацион тадбирларни бажарилиши бўйича йиллик-техник ҳисоботнинг таркиби

1. Кириш

2. Умумий бўлим.

2.1. Ташкилотнинг тузилмаси (структураси), штатидаги йиллик ўзгаришлар. Мутахассисларни малакасини ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш.

2.2. Ташкилот тасарруфидаги гидротехника иншоотлари ва сув хўжалигининг бошқа ёрдамчи объектларининг таркиби ва техник характеристикаларидаги ўзгаришлар.

2.3. Ташкилот тасарруфидаги объектларнинг техник ҳолатини таъминлаш бўйича сервис (хизмат) кўрсатиш (машина – механизмлар, техник қурилмалар таркиби ва характеристикалари)даги ўзгаришлар.

2.4. Ёрдамчи – хўжаликлар ва ташкилотларнинг иши, характеристикаларини ўзгариши.

2.5. Олинган (бюджетдан ва хўжалик ҳисобидан тушган ёки бошқа манбадан) ҳамда сарфланган маблағлар.

3. Сувни режали тақсимлаш ва етказиб бериш.

3.1. Сув манбаларининг характеристикаси ва сув тақсимлаш ҳамда етказиб бериш режаси.

3.2. Сув тақсимлаш лимити ва сувни истеъмолчиларга етказиб бериш.

3.3. Сув ўлчаш ишлари ва жорий йилда сувдан фойдаланишнинг таҳлили. Тизимни фойдали иш коэффициенти.

4. Ташкилот тасарруфидаги гидротехника иншоотлари, маъмурий ва хўжалик бинолар, ёрдамчи объектлар, машина ва механизмларни (содержание) ушлаб туриш.

4.1. Кузатиш (надзор) ишлари.

4.2. Сув омборининг техник қаров ишлари.

4.3. Сув омборининг (режали ва режасиз) таъмирлаш ишлари.

4.4. Иншоотларни техник мукаммаллаштириш (модернизация ёки усовершенствование) ишлари.

5. Машина, механизмлар ва ер қозиш техникаларининг ишларини таҳлили.

6. Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва фуқаролар муҳофааси ишлари.

7. Йиллик иш яқунлари, солиштирма кўрсаткичлар, хулоса ва таклифлар.

Эксплуатация хизмати зиммасидаги эксплуатацион тадбирларни ўз вақтида, сифатли қилиб бажарилиши учун ташкилот кадрларни тайёрлаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиши, уни маблағ билан таъминлаши зарур. Ташкилотда мутахассисларни касб маҳоратини яхшилаш мақсадида мунтазам равишда семинар – ўқувлар, танловлар, мусобоқалар, иқтисодий – техник ўқувлар ўтказилиб турилиши лозим.

Фойдаланувчи ташкилот «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияси ва хавфсизлик декларациясининг давлат экспертизаси туғриси»даги Низомга мувофиқ гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларациясини тузиши ва уни давлат экспертизасига топшириши лозим бўлади. Гидротехника иншоотининг хавфсизлиги асослаб берилган ҳужжатга гидротехника иншоотининг хавфсизлик декларацияси дейилади.

